

## ПОЧТА ХИЗМАТЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*СамИСИ PhD доцент в.б. У.А. Ширинов*  
*СамИСИ магистранти Б.Б. Азимов*

**Аннотация:** Почта алоқаси хизматларининг бухгалтерия хисоби объекти сифатидаги ўрни батафсил ёртиб бериш.

**Калит сўз:** Почта алоқаси, почта хизматлари, почта жўнатмалари, бухгалтерия хисоби, курерлик хизматлари, халқаро почта

**Аннотация:** Подробно поясните роль услуг почтовой связи как объекта бухгалтерского учета.

**Ключевые слова:** Почтовая связь, почтовые услуги, почтовые отправления, учет, курьерские услуги, международная почта.


**Abstract:** Explain in detail the role of postal communication services as an object of accounting.

**Key word:** Postal communication, postal services, postal shipments, accounting, courier services, international mail

Хозирги глобаллашув жараёнида ахборот муҳим омил хисобланади. Чунки ахборотларнинг аниқлиги ва тезкорлиги хал қилувчи омил хисобланади. Ахборотларни аниқ ва тез етказишда почта алоқасининг ўрни катта хисобланади.

Почта ва телекоммуникация соҳаларини ривожлантириш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида мамлакатимизда почта алоқаси тармоқларини замонавийлаштириш, халқаро почта алоқасини янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Почта алоқаси ҳақида сўз борар экан аввалам бор почта алоқаси тушунчасига тўхталиб ўтсак. Почта алоқаси – бу почта, курерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб беришни таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш технология мажмуидан иборат алоқа туридир. Почта алоқасини бир нечта гуруҳларга бўлишимиз мумкин (1-чизма).



**1-чизма. Почта алоқаси хизматларининг туртлари.**

Почта алоқаси хизматлари асосан шаҳарлар аро ёки давлатлар аро амалга ошириладиган хизматлар ҳисобланади. Курерлик жўнатмалари жўнатилиши қисқа муддатли қўлдан қўлга етказиб берилган ҳолда амалга ошириладиган хизматлар Курерлик хизматлари асосан маълум бир минтақада амалга ошириладиган хизмат тури ҳисобланади.

Мамлакатимизда почта алоқасининг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суратлар билан ривожланмоқда.

Бугун дунё миқёсида почта жўнатмаларининг ҳажми унчалик ўзгармаётган бўлса-да, унинг анъанавий хизмат турларига нисбатан истиқболли имкониятлари туфайли курерлик, тезкорлик билан етказиш ва логистика хизматлари ривожланиб бормоқда.

**Бу хизматлар ҳам уз навбатида бир қанча турларга бўлинади.**

Почта хизматлари	Курерлик хизматлари	Қўшимча хизматлар	Шартномавий хизматлар
Ички ва ҳалқаро почта варақачаларини етказиб бериш	Почта варақачаларини етказиб бериш	Почта маркаларининг чакана савдоси	Даврий нашрларга обуна бўлиш
Ички бандеролларни етказиб бериш	Хаталарни етказиб бериш	Посилкаларни сақлаш	Пенсия ва нафақа пулини етказиш
Ички ва ҳалқаро секограмма-ларни етказиб бериш	Бандеролларни етказиб бериш	Почта жўнатмаларини ўровлаб бериш	Телеграммаларни қабул қилиш ва етказиб бериш
Ички ва ҳалқаро посилкаларни етказиб бериш	Посилкаларни етказиб бериш	Посилкаларни мато билан ўровлаб бериш	Шаҳарлар ва ҳалқаро телефон сўзлашуви
Ички ва ҳалқаро хатларни етказиб	Махсус ўралган даврий нашрларни	Абонемент қутилари	Коммунал хизмат туловларини қабул

бериш	етказиб бериш	фойдаланишга бериш	қилиш
Халқаро пул ўтказмалари		Посилкани қайта ўривлаб бериш	Товарлар чакана савдоси
Ички пул ўтказмаларини етказиб бериш			

Бутун жахон Почта Иттифоқи (БПИ) бош директори Эдуард Дяннинг такидлашичи “Почта хизматлари миллиардлаб инсонлар ва корхоналарнинг алоқа хизматларига бўлган кундалик хизматларни ҳисобга олиб, жуда кўплаб ананавий ва янги хизматларни тақдим этяпти. Улар кундан кунга комуникатциялар соҳасида кучлар тақсимотини ўзгартириб юбораётган янги технологиялар қаршида чекинмаган ҳолда шароитга мослашиб новаторларча фаолият кўрсатишмоқда”<sup>1</sup>.

Жахоннинг тахминан 65 фоизи миллий почта оператори бугунги кунда онлайн хизматлар кўрсатмоқда. Жумладан, уларнинг 16 фоизи тўловларни интернет орқали амалга оширишни, 13 фоизи почта йиғимларини онлайн тўлашни, 10 фоизи эса олинганлиги электрон имзо билан тасдиқланган жўнатмалар хизматини тақлиф этяпти. Яна 12 фоизи интернет орқали махсулотлар савдосини йўлга қўйган. Ва ниҳоят, почта хизматларининг 40 фоизида аҳоли учун интернетга уланиш масканлари барпо этилган.<sup>1</sup> Яқинда Бутунжахон Почта Иттифоқига интернетда номлар ва рақамларни ўзлаштириш бўйича корпорацич томонидан юқори даражали пост домени берилди, бу почта соҳасининг кибероламида фаолият бошлашига мустаҳкам пойдевор ҳисобланиб, ишончли ва ҳурматга сазовор электрон почта хизматлари ишлаб чиқиш имконини беради.

### Мамлакатимизда почта алоқаси хизматларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси<sup>1</sup>

№	Кўрсаткич номи	2020	2021	2022
1	Жўнатилган хатлар (миллион дона)	16,7	16,2	14,2
2	Газета ва журналлар (миллион нусха)	23,3	23,9	24,2
3	Жўнатмалар (посилкалар) (минг дона)	82,3	89,5	89,9

<sup>1</sup> Маълумотлар [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz) сайтидан олинди

4	Пул ўтказиш ва нафақа тўловлари (миллион)	37,1	33,6	34,8
5	Телеграммалар (миллион дона)	0,6	0,5	0,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики жўнатилган хатлар 2020 йилга келиб сезиларли даражада камайган. Бунга асосий сабаб электрон почта хизматининг ривожланишидир. Газета ва журналлар, жўнатмалар, пул ўтказиш ва нафақа тўловлари бўйича хизматлар маълум даражада ўсган, телеграммаларни етказиб бериш эса ўзгармасдан қолган.

### Мамлакатимизда ҳалқаро почта алоқаси хизматларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси<sup>2</sup>

№	Кўрсаткич номи	2020	2021	2022
1	Ҳалқаро почта хабарлари (миллион дона)	1,7	1,3	1,8
2	Ҳаво транспортида жўнатилган почта (минг тонна)	1,0	1,2	1,1
3	Ҳалқаро жўнатмалар (посилкалар) (минг дона)	23,6	31,5	30,6
4	Ҳалқаро телеграммалар (миллион дона)	0,05	0,06	0,09

Жадвал маълумотларидан куришимиз мумкинки ҳалқаро почта хабарлари ва ҳалқаро телеграммалар жунатиш ўтган йилларги нисбатан ўсган, ҳаво транспортида жўнатилган почта ва ҳалқаро жўнатмалар ўтган йилларга нисбатан пасайган.

Бутун дунё миқёсида олиб қараганда, почта хизматлари томонидан йилига 438 миллиарддан ортиқ хатга ишлов берилди, бироқ жисмоний (анъанавий) почта ўрнини элэктрон шакли эгаллаши ва яқинда бўлиб ўтган иқтисодий инқироз оқибатида жўнатмалар сони камайиши тўхтамаяпти.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз почта алоқаси хизматлари бозорида ўндан ортиқ субъектлар фаолият кўрсатиб, уларнинг олтитаси йирик хорижий компанияларнинг шўба корхоналари ҳисобланади. Ушбу субъектлар асосан курерлик хизматларини кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, почта

<sup>2</sup> Маълумотлар [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz) сайтидан олинди

алоқасининг анъанавий тури бўлмиш универсал хизматни биргина миллий оператор – “Ўзбекистон почтаси” очик аксиядорлик жамияти кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, почта алоқаси хизматлари бозорининг замонавий ривожланиш тенденциялари мамлакатимизнинг почта соҳасидаги қонунчилик базасини қайта кўриб чиқишни ва такомиллаштиришни тақозо этди. Бу эса ўз навбатида ҳисоб тизимини ҳам қайта ишлаб чиқишни талаб қилади. Статистика маълумотларида ҳам почта алоқаси хизматларидан олинган даромадларнинг курсатилмаганлиги бу соҳада хал қилиниши керак бўлган муоммолар мавжудлигидан дарак беради.

Биз ўрганишлар натижасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Етказиб берилаётган почта жўнатмаларини даромад сифатида тан олиниши бўйича муоммоларни хал қилиш.

2. Хар бир хизмат тури бўйича махсус счётлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Почта алоқаси орқали бажарилаётган иш ва хизматларни статистик маълумотларини келтириб ўтиш.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пўлатов, Х. Ў., & Абдугаппаров, Ш. А. (2022). БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИДА ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. Экономика и социум, (5-1 (96)), 593-596.

2. Пўлатов, Х. Ў., & Абдурасулов, Ж. А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИСОБНИ АЙРИМ МАСАЛЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (92)), 679-682.

3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (4-2 (83)), 318-323.

4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ТУРЛИ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲИСОБНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (84)), 186-189.